



ЭКОТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Қодиров Азизжон Анварович

БухДУ тадқиқотчиси

Аннотация. Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётида экотуристлик хизматларни ташкил этиши бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар «Жаҳон туризм ташкилотини» ва «Жаҳон ёввойи табиат фонди» томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясига берилган таърифларга асосланганлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Бунда ҳам «экотуризм»нинг атроф-муҳитга инсонларнинг салбий таъсирини камайтирган ҳолда, уларни табиат ва унинг бойликлари билан яқиндан таништириш билан биргаликда, туристларнинг бу борадаги билимларини ошириш ва мароқлик ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга эътибор қаратилганлиги аҳамиятли ҳисобланади.

Германияда экотуризмни ривожлантириш Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётида муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб мамлакат иқтисодиётида иккинчи жаҳон урушидан кейинги дарвда саноатлаштиришга устуворлик қаратилиши натижасида инсонлар томонидан таъсир кўрсатилмаган табиий экотуризм объектлари деярли қолмаган. Шу сабабли Миллий Туризм Ассоциацияси томонидан «ўрмон акцияси» ишлаб чиқилиб, Шимолий Пормениянинг Мекленбург ҳудудида экологик лойиҳаларни амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Мекленбург ҳудудига ташриф буюрган ҳар бир экотуристлар биттадан манзарали ёки мевали дарахтлар кўчатларини сотиб олиб, уларни тегишли ўрмон ёки боғлар жойлашган ерларга экадилар. Шу билан биргаликда, экотуристларга ўзлари эккан дарахт кўчатларини ўзлари парвариш қилишлари имконияти тақдим этилади. Тадбир доирасида сотилаётган дарахт кўчатларининг ўртача нархи 10,0 эврони ташкил этиб, бугунги кунга қадар жами 7,5 минг дарахт кўчатлари 7,5 минг гектар ҳудудга экилган. Ушбу дарахт экилган ҳудудларда ҳозирда «ўрмон иқлими» деярли шаклланиб улгурган.¹

Германия экотуризмни ривожлантириш амалиёти бўйича нафақат Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида балки, жаҳон экотуристлик хизматлар бозорида ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Мамлакатда экотуристлар учун ноёб ҳисобланган экомехмонхона хизматлари кўрсатилиши билан жаҳондаги бошқа мамлакатларга нисбатан ажралиб туради. Жумладан, 2011 йилда Бавария шаҳрида ташкил этилган «Berghotel Mattlihue» мехмонхонаси қурилишида фақатгина табиий ёғочдан фойдаланилган бўлиб, унда ҳеч қандай пластик, клей, мих ва бошқа турдаги кимёвий моддалар ишлатилмаган. Шунингдек, мехмонхона хожатхона тизимида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида ёмғир сувлари ишлатилади. Мехмонхона ресторанида туристлар учун фақатгина маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланадиган таомларни тақлиф этилади.²

¹ Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>

² Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836>



Германия экотуризмни ривожлантиришда экотехнологияларни амалиётга жорий этиш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Айниқса нафақат экотуристар балки ҳар қандай туристик мақсадларда мамлакатга ташриф буюручилар учун меҳмонхона хизматларини кўрсатишда инновацион экотехнологияларни фойдаланиш давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор йўналишлари қаторидан ўрин эгаллайди. Жумладан, Германия меҳмонхона хўжалиги тизимида машҳур бўлган «Фельдербергер хоф» деб номланган Шварцальд шаҳри меҳмонхонаси энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш бўйича мамлакатда етакчи меҳмонхоналардан ҳисобланади. Ушбу меҳмонхонада биргина мойли иситиш тизимини блокли иситиш тизимига алмаштирилиши ҳисобига йилига атмосферага CO₂ гази (карбонат ангидрид) чиқиндиларини чиқариш ҳажмини 700 тоннага камайтириш имконини берди.³

Германияда экотуризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади атроф муҳитни ҳимоялашга қаратилган ҳисобланади.⁴ Жумладан, мамлакат туристик хизматлар бозорида ҳаво транспорти хизматлари кўрсатиш бўйича йирик компаниялардан бири ҳисобланган «Berliner atmosfair GmbH» туристик компанияси томонидан авиакатновлар учун «Atmosfair» сертификатлаш тизими жорий этилган бўлиб, бунда ҳаво транспортдан ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдори меъридан ортиқча бўлган самалётлар учун етказилаётган зарар миқдорига мос равишда жаримага тортиш амалиётидан фойдаланилади. Жаримага тортиш ҳисобидан шаклланган бюджет тўлиқлигича мамлакатда атроф муҳитни ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни молиялаштириш учун сарфланади. Шу билан биргаликда, мамлакатда экотуристик хизматлар кўрсатиш билан биргаликда, атроф муҳитни ҳимоялашда етакчи ҳисобланган туристик фирмалар учун ҳукумат томонидан «Viabono» номинацияси билан тақдирланади.⁵ Мамлакатда энг кўп табиат бўйлаб саёҳат дастурлари «Deutsche Bahn» компанияси томонидан тақлиф этилиб, бунда Германиядаги жами 17 та кўриқхона ва миллий парклар бўйлаб экотуристарга пиёда ва велотурлар орқали саёҳат уюштириш ташкиллаштирилган.⁶ Шунингдек, мамлакат экотуристик хизматлар бозорида «Garmisch Panthenkirchen», «Oberstdorf», «Berchtesgarden» каби йирик экотуристик комплекслар,⁷ «Taunus Wunderland», «Phantasieland», «Minidom de Ratigen», «Rust», «Traumland» каби миллий парклари⁸ экотуристарга хизмат кўрсатиш бўйича нафақат мамлакатда балки, Европа Иттифоқи минтақасида етакчилик қиладилар.

³ Никитин А.И., Федорова С.В. Экологический туризм в Германии // СтройМного, 2017. № 2 (7). С. 6 <https://cyberleninka.ru/article/n/ekologicheskij-turizm-v-germanii>


⁴ Березина М.М. Экология // Эко, 2017. – № 12 – с. 8-18

⁵ Аверова Н.Г. Экологический туризм // Экономика туризма, 2017. – № 3. – с. 12-21

⁶ Никитин А.И., Федорова С.В. Экологический туризм в Германии // СтройМного, 2017. № 2 (7). С. 6 <https://cyberleninka.ru/article/n/ekologicheskij-turizm-v-germanii>

⁷ Бортникова Н.А. Основные виды туризма в Германии // Туризм сегодня, 2015. № 4. – с. 3

⁸ Никитин А.И., Федорова С.В. Экологический туризм в Германии // СтройМного, 2017. № 2 (7). С. 6 <https://cyberleninka.ru/article/n/ekologicheskij-turizm-v-germanii>



1-расм. Германияда энг кўп кўрсатиладиган экотуристтик хизматлар, фоизда⁹

Хукумат томонидан ҳар йили мамлакатга ташриф буюрувчи экотуристлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Германияга ташриф буюрувчи экотуристларнинг аксарияти табиат бўйлаб пиёда саёҳат қилишни (20,0 фоиз) афзал кўрадилар. Шу билан биргаликда, мамлакатга табиат бўйлаб электромобил ва электробусларда саёҳат қилиш (17,0 фоиз) мақсадида ҳам экотуристлар ташриф буюрадилар (1-расмга қаранг). Ушба ҳолат Германия иқтисодиётида муқобил энергиядан фойдаланиш уствор аҳамият касб этишидан далолат беради.

Экотуризмни ривожлантиришнинг Германия амалиёти таҳлилига кўра, мамлакатда иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда саноатлаштириш сиёсатида устуворлик қаратилиши натижасида инсонларнинг зарарли таъсири тегмаган табиий-экотуристтик ресурслар деярли қолмаганлигига қарамай, давлат томонидан экотуризмни ривожлантириш, атроф муҳитни ҳимоялаш ва инновацион ривожланиш соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни бир вақтнинг ўзида ўзаро мутаносибликда қўллаш орқали бугунги кунда Германия миллий экотуризм индустрияси халқаро экотуристтик хизматлар бозори, жумладан, Европа Иттифоқи минтақасида етакчи ўринни эгаллаган, деган хулосага келинди. Ушбу ҳолат мамлакатимизда экотуризм соҳасини ривожлантиришда Германия амалиётини ўрганиш заруриятини оширади.


Экотуристтик хизматларни ривожлантиришда Буюк Британия амалиётида ўзига хос бўлган «экологик қишлоқлар» ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда мамлакатда бу турдаги қишлоқларни ташкил этишнинг ўртача нархи 16 млн. АҚШ долл.га тенг бўлиб, экотуристлар учун табиий қишлоқ ҳаёти билан танишиш билан биргаликда, улар турли ресторанлар, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, сувенир сотиладиган тижорат масканлари, маҳаллий маҳсулотлар сотиладиган бозорлар хизматларидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Экологик қишлоқлар Престон яқинидаги магистрал бўйлаб денгиз ирмоқлари ва «Whinlatter Fores» ўрмонига яқин жойда жойлаштирилганлиги қишлоқларга ташриф буюрган экотуристлар учун қўшимча ўрмон ва сув бўйлаб экотуристтик саёҳатларни ташкил этиш бўйича хизматлардан фойдаланиш имкониятини ҳам тақдим этади.¹⁰

⁹ Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836> маълумотлари асосида тузилган

¹⁰ Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836>



Буюк Британия экотуристтик хизматлар бозорида миллий экологик боғлар мамлакат ялпи ҳудуднинг 7,0 фоизини эгаллайди. Буюк Юритания ҳудудидаги миллий боғларнинг энг каттаси Шотландия оролларида жойлашган «Cairngorms National Nature Reserve» экологик боғи бўлиб, унинг майдони 26 минг гектарни ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатга ташриф буюрувчи экотуристларнинг аксарияти (55,0 фоиз) айнан мамлакатдаги миллий боғларга ташриф буюришади (2-расмга қаранг). «The Times» нашриёти томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра, мамлакат ҳудудидаги «Cairngorms», «Exmoor», «Brecon Beacons», «New Forest» ва «Peak District» миллий боғлари экотуристлар томонидан энг кўп ташриф буюриладиган экобоғлар ҳисобланади.¹¹



2-расм. Буюк Британияда энг кўп кўрсатиладиган экотуристтик хизматлар, фоизда¹²

Таҳлилларга кўра, Буюк Британияда экотуризмни ривожлантиришда миллий экопаркларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, мамлакат ҳудуди бўйлаб «яшил зона»ларда саёҳат қилиш мақсадида мамлакатга ҳар йили кўплаб экотуристлар ташриф буюрадилар. Мамлакатимиз ҳудудида экопаркларни ташкил этиш имконияти мавжуд бўлган ер ҳудудлари етарли эканлигини инобатга олган ҳолда, экотуристлар учун мўлжалланган миллий боғлар ва кемпингларни ривожлантириш бўйича Буюк Британия амалиётидан ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Усенбаева Г.Ж., Шакирова Д.Н. Анализ развития экологического туризма в мире. [Электронный ресурс] – URL: <https://articlekz.com/article/13812>
2. Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836>
3. Никитин А.И., Федорова С.В. Экологический туризм в Германии // Строймного, 2017. № 2 (7). С. 6 <https://cyberleninka.ru/article/n/ekologicheskiy-turizm-v-germanii>
4. Березина М.М. Экология // Эко, 2017. – № 12 – с. 8-18
5. Аверова Н.Г. Экологический туризм // Экономика туризма, 2017. – № 3. – с. 12-21
6. Бортникова Н.А. Основные виды туризма в Германии // Туризм сегодня, 2015. № 4. – с. 3

¹¹ Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836>

¹² Озеров А.С., Романенко А.И. Экотуризм в Германии и Великобритании. [Электронный ресурс] – URL: <https://school-science.ru/11/3/45836> маълумотлари асосида тузилган